



№ _____

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг еттинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини **“Дунё узра жаранглаётган тил, Инсоният тараққиётининг таянчи”** мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: 8 бет.

**Ҳурмат билан,
“Маънавият ва маърифат”
маркази директори**

О.А.Худайназаров

**“Дунё узра жаранглаётган тил, Инсоният тараққиётининг таянчи”
хафталиги “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг
1-босқичи материаллари.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан
ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар
учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан**

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

<http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasining-onuni-11-10-2018>

**БУХОРО ВИЛОЯТИДА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uza.uz/oz/documents/bukhoro-viloyatida-kichik-sanoat-zonalarini-tashkil-etish-ch-11-10-2018>

**ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ВА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА
БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ТАДБИРҚОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА
СОТИШ ТАРТИБИНИ СОДДАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

<http://www.uza.uz/oz/documents/davlat-mulki-obektlarini-va-er-uchastkalariga-b-lgan-u-u-lar-11-10-2018>

**Эслатма: Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 2-босқичи – 21 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилинган кунга ҳамда 23 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКОга аъзо бўлган кунга шунингдек 24 октябрь – Халқаро БМТ кунига бағишланади.*

Ҳафталикнинг 3-босқичида талаба-ёшларга виждонлилик ҳақида тушунча берилади, 4-босқичда – талабалардан мустақил равишда мутолаа қилинган бадиий адабиётлар бўйича фикр алмашилинади ва асар қаҳрамонларига таъриф берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

<http://www.uz.uz/oz/documents/-zbekiston-respdfghublikasining-onuni-12-10-2018>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

<http://www.uz.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasining-onuni-12-10-2018>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uz.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasida-khal-tabobati-so-asini-tartibga-sol-12-10-2018>

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

<http://www.uz.uz/oz/documents/ish-a-i-pensiyalar-stipendiyalar-va-nafalar-mi-dorini-oshi11-13-10-2018>

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚАТОР ЕТАКЧИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ИЛК МАРОТАБА “ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ТАЪЛИМ ФОРУМИ” ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Халқаро форум шу йилнинг 18 октябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтиб, унда икки давлат Президентлари администрациялари, Ҳукумат раҳбарлари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири ва Россия Федерациясини Таълим ва фан вазири ҳамда Россиянинг 70 нафардан ортиқ нуфузли олий таълим муассасалари ректорлари иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ: УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 8-9 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 9 октябрь куни бўлиб ўтди.

Париж шаҳридаги Шон-шараф майдонида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Франция давлат мадҳиялари янгради. Шавкат Мирзиёев ҳарбий оркестр садолари остида фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Франция Республикаси Президентининг Елисей саройига йўл олди.

Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макроннинг музокарасида Ўзбекистон – Франция муносабатларини янада ривожлантириш, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ишончли ва узоқ муддатли шерик бўлган Франция билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганини алоҳида таъкидлади. Франция давлатимиз раҳбари расмий ташриф билан келган Европадаги биринчи мамлакат эканини қайд этиб, ўн бешинчи аср бошида буюк Соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI давридан буён давом этиб келаётган дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч мамлакатларимизни боғлаб туришига эътибор қаратди.

Эммануэль Макрон давлатимиз раҳбари билан Парижда учрашиб турганидан мамнунлигини билдириб, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг кўламли ислохотлар нафақат аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг етакчи давлатлар сафига кириши, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга доир ёндашувлари яқин ёки мос экани қайд этилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатларининг изчил тараққиётга эришиши мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши кўшничлик муносабатларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш муҳимлигини қайд этдилар. Минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Бунда олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ушбу муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўли эканига эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда сиёсий мулоқот фаоллашгани ва бундан буён мунтазамлик касб этиши лозимлиги таъкидланди.

Ҳукуматлар ва вазирликлар даражасида мунтазам мулоқот амалга оширилмоқда. Ташқи сиёсий идоралар ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Парламентлараро алоқалар изчил ривожланмоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, технологиялар, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Франция ҳукуматлараро комиссияси фаолиятига ижобий баҳо берилди. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби ўрнатилган, Икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида конвенция ва бошқа ҳужжатлар имзоланган.

Музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми мавжуд имконият ва салоҳиятга мос эмаслиги таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банки, “МЕДЕФ” Франция тадбиркорлари ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган бизнес-форумда Европанинг илғор тажрибаси, билими ва технологиялари асосида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, Франция тараққиёт агентлиги билан умумий қиймати қарийб 600 миллион евро бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик дастури имзоланди.

Франциянинг “Эйрбас”, “Тоталь”, “Винчи”, “Орано”, “Тоталь Эрен”, “Веолия”, “Фивс Штейн”, “Буиг”, “Ранжис” ва бошқа кўплаб компаниялари билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширишга келишиб олинди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Учрашувда бунга алоҳида эътибор қаратилар экан, маданият ва санъат, туризм, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, археология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ йўналишлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонга келаётган франциялик сайёҳлар учун визасиз тартиб жорий этилгани ва Франция бу борада Европанинг биринчи мамлакати бўлганини таъкидлади.

Мамлакатимизда француз тилини ўрганишга қизиқувчилар кўп. Яқинда Тошкентда Француз тили ва маданияти маркази ташкил этилди.

Иқтисодиёт, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, туризм каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда Франциянинг етакчи университетлари филиалларини очиш борасида келишувларга эришилди.

Мамлакатимиз тарихи ва маданияти халқаро ҳамжамиятда, жумладан, Франция илмий доираларида доимо катта қизиқиш уйғотиб келган. Ташриф давомида юртимиз тарихи ва маданиятини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган Франциянинг таниқли адабиёт ва илм-фан намояндалари – ёзувчи Амин

Маалуф, олимлар Фредерик Бопертюи-Брессанд хоним ва Франц Гренега Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси унвони берилди.

Мамлакатимиз тарихий ва маданий меросига улкан қизиқишни ҳисобга олган ҳолда, 2021 йилда Лувр музейида Ўзбекистон тарихига бағишланган кўргазма ўтказиш хусусида келишувга эришилди. Ушбу тадбир жаҳонга машҳур музейда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан бирига бағишлаб ўтказиладиган илк кўргазма бўлади.

Ташриф доирасида автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк ташиш, туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, Франция тараққиёт агентлиги билан 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш тўғрисида ахдлашув битими имзоланди.

Шунингдек, 2019-2020 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Франция экология, барқарор тараққиёт ва энергетика вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасида ҳамкорлик, икки мамлакат ички ишлар, маданият вазирликлари, Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми каби ҳукуматлараро ва идоралараро жами 10 та ҳужжат қабул қилинди.

Музокаралар якунида имзоланган ҳужжатлар ўзаро алмашилди.

Давлат раҳбарларининг самарали музокаралари якунида эришилган натижалар Ўзбекистон билан Франция ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашга, уни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёр эканининг ёрқин тасдиғи бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Лувр музейига ташриф буюрди.

Лувр – дунёдаги энг машҳур музейлардан бири, Франциянинг ўзига хос “ташриф қоғози”дир. У бадий коллекцияси бўйича жаҳонда биринчи, майдони бўйича иккинчи ўринда туради. Ушбу музейга ҳар йили қарийб 10 миллион сайёҳ келади.

Музей биноси 1190 йилда Франция Қироли Филипп-Август томонидан қалъа сифатида бунёд этилган. Лувр сўзи мазкур муҳофаа кўрғони номидан олинган. У бир неча аср давомида Франция қироллари қароргоҳи бўлган. Кейинчалик Версаль саройи қурилгач, 1793 йилда музейга айлантирилган.

Лувр музейида 300 мингдан зиёд экспонат сақланади. Уларнинг энг қадимгиси эраиздан аввалги 7 асрга оиддир. Музей залларида уларнинг фақат 35 мингтаси намойиш этилади. “Милослик Венера” ҳайкали ва Хаммурапи қонунлари, Леонардо да Винчининг “Жоконда” ва Ян Вермеернинг “Чевар қиз” картиналари улар орасида энг машҳурларидир.

Музей экспонатлари 6 та коллекцияга ажратилган. Фақат Шарқ коллекциясининг ўзи 24 та зални эгаллаган. У ерда бизнинг мамлакатимиз тарихига ҳам оид минглаб ашёлар бор. Жумладан, Амир Темурнинг Карл VI га ёзган мактуби, Аҳмад Яссавий макбараси учун Соҳибқирон томонидан яратилган шамдон, қадимий қурол-аслаҳалар, битиклар ва бошқа осори-атикалар буюк ўтмишдан сўзлайди.

Давлатимиз раҳбари музей экспонатларини томоша қилди ва улар тарихи билан қизиқди. Бу ерда сақланаётган тарихий меросимиз намуналари халқимиз учун ниҳоятда қадрли ва аҳамиятли эканини таъкидлади. Ўзбекистон ва Франция музейлари ҳамкорлигида кўргазмалар ташкил этиш, археолог ва тарихчи олимларнинг илмий ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ: ТАРИХИЙ ТАШРИФ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 8-9 октябрь кунлари ушбу мамлакатга расмий ташрифи муҳим тарихий воқеа сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур ташрифнинг аҳамияти ҳақида икки мамлакат кенг жамоатчилиги вакиллари, йирик тадбиркорлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Элёр Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари:

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Францияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон – Франция бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Франциянинг 200 дан ортиқ етакчи компаниялари вакиллари иштирок этди. Улар орасида “Total”, “Total Eren”, “Orano”, “Airbus”, “Buig”, “Vence”, “Medef International” каби дунёга машҳур йирик компаниялар борлиги эътиборлидир. Учрашувда француз ишбилармонлари мамлакатимиздаги ўзгаришлар, хусусан, бизнес вакиллари, инвесторларга кенг йўл очилаётгани, уларга шароитлар яратиб берилаётгани, валюта бозорининг эркинлашгани бўйича ижобий фикрлар билдирди. Бизнесдаги шаффофликнинг таъминланаётгани боис, улар мамлакатимизда ўз лойиҳаларини амалга оширишни исташмоқда. Француз ишбилармонлари республикаимизда бизнес юритишдаги бюрократиянинг, қоғозбозликнинг йўқолганини энг катта ижобий ўзгариш сифатида алоҳида қайд этмоқда.

Абдулазиз Комилов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

– Давлатимиз раҳбарининг Франция Президенти Эммануэль Макрон билан учрашувида жиддий ва долзарб масалалар муҳокама қилинди. Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги қарашларимиз, позициямиз бир-бирига мос келиши эътироф этилди.

Минтақадаги хавфсизлик масалаларини муҳокама қилиш чоғида, албатта, Афғонистон муаммоси ҳам кўтарилди. Франция Президенти бу борадаги Ўзбекистон сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Тадбиркорлар билан бўлган учрашув ҳам самарали бўлди. Президентимиз франциялик йирик ишбилармон доиралар вакиллари,

тадбиркорларни қизиқтирган саволларга аниқ жавоб берди. Улар Ўзбекистонда бизнес юритишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Борис Элизабет, "GEIP" фармацевтика компаниясининг шарқий Европа кўмитаси раҳбари:

– Компаниямиз юз йиллик тарих ва ўзининг қадимий анъаналарига эга. Дунёнинг кўплаб давлатларида фаолият юритамиз. Аммо шу кунга қадар ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан алоқаларни йўлга қўймаган эдик. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтган бизнес-форумда иштирок этдик ва мамлакатингизни қайта кашф қилдик. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар бизни қизиқтириб қўйди. Шу боис мамлакатингизга ташриф буюриб, ҳамкорлик қилишни мақсад қилдик. Таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотлар хорижлик, хусусан, француз компанияларининг Ўзбекистонга кириб боришини қўллаб-қувватлайди. Негаки, инвесторларнинг Ўзбекистонда фаолият юритиб, сармоя киритиши учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд.

Жереми Пелле, Франция тараққиёт агентлиги ижрочи директори ўринбосари:

– Ўзбекистон – Франция бизнес-форумида мамлакатингиз ишбилармон доиралари вакиллари билан шартномаларни имзолашга муваффақ бўлдик. Мақсадимиз, юртингизга катта инвестиция киритишдир. Дастлаб олти юз минг евро, кейинчалик эса буни янада ошириш ниятидамиз. Аграр, қайта ишлаш саноати, сувни тозалаш, туризм каби соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиш режамизда бор. Ўйлашимча, ватанингиз кенг имкониятларга эга. Бу ташриф эса бизнинг имкониятларимизни ишга солиш учун муҳим қадам бўлди. Давлатингиз раҳбарининг ҳар бир фикри ва таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Гийом Мельман, "Фивс" металлургия ва шиша ишлаб чиқариш компанияси президенти:

– Асосий мақсадимиз мамлакатингизда шиша ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришдир. Шу мақсадда биз Жиззах вилоятига энг замонавий русумдаги технологияларни олиб кирмоқчимиз. Бу билан Ўзбекистонда шиша ишлаб чиқариш салоҳияти 3-4 баробарга ортиши мумкин. Шунингдек, автосаноатга ҳам эътиборимизни қаратмоқчимиз. Аслида Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити бизга яхши таниш. "Ўзавтосаноат", "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорликда ишлаб келамиз. Шу боис ҳам узоқ муддатли ҳамкорликни мўлжаллаяпмиз.

Жеральдин Лембле, "Medef International" компанияси бош директори ўринбосари:

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи икки мамлакат ишбилармонлари учун самарали мулоқотга асос солди. Бу ташриф доирасида ўтказилган бизнес-форум амалий натижаларга бой бўлди. Яхши маълумки, тадбиркорлар у ёки бу мамлакатга томоша учун бормайди. Уларнинг аниқ мақсадлари бўлади. Қайсики мамлакатда ишбилармонлик муҳити яхши бўлса, инвестиция кафолатланса ўша юртга тадбиркорлар кириб келади. Бугунги Ўзбекистонда шундай муҳит мавжуд эканини яна бир

бор намоён этди. Шавкат Мирзиёевнинг ташрифидан сўнг француз компанияларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортмоқда.

Фредерик Бопертюи-Брессанд хоним, Франциядаги Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциацияси президенти, тарихчи олима, Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси:

– Бундан 30 йил муқаддам Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциациясини ташкил қилганимизда Самарқанд, Ўзбекистон ҳақида жуда камчилик биларди. Бошланишига жуда қийин бўлган. Бугун кўпчилик французлар Ўзбекистонни яхши билади, халқингиз маданиятига қизиқади. Француз археологлари билан ўзбек олимлари ўртасида ҳамкорлик кучаймоқда. 2019 йилда Тошкент ва Самарқандда бир қатор тадбирларни ўтказишни режалаштирганмиз.

Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мен Шавкат Мирзиёевни Самарқанд вилояти ҳокими бўлган вақтдан буён биламан. У бугун мамлакатни шаффоф тамойилларга асосланган янги ислохотлар руҳи билан бошқармоқда. Бу Ўзбекистон учун жуда муҳим.

Франц Грене, археолог олим, Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси:

– Марказий Осиёда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб Франция давлатига археологик қазилмаларни олиб боришга рухсат берган. Биз 1998 йили мамлакатингизда археологик тадқиқотлар билан шуғулланганмиз. Хусусан, Афросиёбдаги топилмалар устида ишлаганмиз. Ўзбекистон ва Франциянинг маданий ва таълим соҳасидаги алоқалари давом этиб келмоқда. Мен Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг кўп маданий обидаларга эга мамлакат сифатида биламан. Ўзбекистон туристик жозибадор диёр. Бу ерда сайёҳлик ривожланса давлат иқтисодиётига катта даромад келиши аниқ.

Яник Линц, Лувр музейининг Ислом санъати департаменти директори:

– Биз 2021 йил октябрда очилиши кутилаётган Ўзбекистон экспозицияси тўғрисида ўзаро англашув меморандумини имзоладик. Ўзбекистон Президенти Лувр музейига ташриф буюриб, ушбу йирик лойиҳани қўллаб-қувватлади. Бу кўرғазма Ўзбекистоннинг Буюк ипак йўлида тутган ўрнига бағишланади. Инсоният ва ислом дунёси тарихида Ўзбекистон маданияти энг муҳим манбалардан биридир. Биз дунёнинг турли бурчакларидан Луврга келадиган миллионлаб меҳмонларга Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Яқин Шарқ билан тарихий чорраҳада жойлашган Ўзбекистоннинг тарихи, тамаддуни, маданияти қанчалик бебаҳо ва қимматли эканини намоёиш қилиб келамиз.